Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 16-sentabr, seshanba № 115 (3464)

АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Сурхондарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, айниқса, чекка ҳудудлар аҳолисига ҳар томонлама қулайлик яратиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда. Бойсун туманидаги «Бойсун» савдо маркази ана шундай замонавий хизмат кўрсатиш субъектларидан.

Бугунги кунда савдо марказида тўрт мингдан ортиқ турдаги озиқ-овқат, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, болалар либослари ва уй-рўзғор буюмлари истеъмолчиларга таклиф этилмоқда. Марказ қошида 7 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам ташкил этилган. Бу ерда доимий иш билан таъминланган қирққа яқин ёшларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган йигит-қизлардир.

Суратларда: ишчилар — Бехруз Алиев, Асила Қурбонова; «Бойсун» савдо марказида.

ЎзА фотомухбири Фарҳод АБДУРАСУЛОВ олган суратлар

ЎзКУФК Ўқув марказида

ЎзКУФК Ўқув марказида ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари мутахассислари иштирокида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди. Бундан мақсад корхона ва ташкилотларда халқаро меҳнат стандартларини татбиқ қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш масалаларида иш берувчилар учун уюштириладиган ўқувларга ўқитувчи-тренерлар тайёрлашдир.

МЕҲНАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ

Таъкидлаш жоизки, фермерлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар ташкилотлари раҳбар ходимларининг Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари, корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатлари соҳаси юзасидан билимларини ошириш мақсадида жорий йил феврал ойида ҳудудий бирлашмаларнинг мутахассисларидан иборат ўқитувчи-тренерлар тайёрланган эди.

Ўтган даврда касаба уюшмалари мутахассисларидан тайёрланган тренерлар ҳудудларда ўтказилган ўқувларда маърузалар билан иштирок этишига эришилди. Мазкур ўқувларда 27706 нафар фермер, корхона ва ташкилотларнинг иш берувчилари, касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Жараён узвийлигини таъминлаш, меҳнат муносабатлари тарғиботини янада кучайтиришга қаратилган икки кунлик ўқув Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудирлари Диёрбек Кимсанов, Маҳмуд Исаев, Ўрол Адилов, Равшан Самарбеков ҳамда Лола Холмўминовалар томонидан олиб борилди.

— Ходимлар манфаатларини таъминлашнинг самарали йўлларидан бири, шубҳасиз, тарғибот-ташвиқот ҳисобланади. Яъни, иш берувчиларга меҳнат муносабатларини, муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида халқаро стандартларни кенг тарғиб этиш муҳим аҳамиятга эга, — деди Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Маҳбуба Қамбарова. — Шунда ходимлар ва иш берувчилар ўртасида меҳнат муносабатларига оид кўпгина келишмовчиликлар барҳам топади ёки камаяди. Натижада, жамоада иш унумдорлиги ошади. Ўқув натижасида олган маълумотларимиз жойларда иш берувчилар билан бўладиган мулоқотларда асқотади.

Ўқув жараёнида «Меҳнат соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормалари. Халқаро меҳнат стандартлари», «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига амал қилиш борасидаги муҳим вазифалар», «Корхоналар ва фермер хўжаликларида меҳнат муҳофазаси», «Нодавлат сектори корхоналарини касаба уюшмаларига жалб этишда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 87-, 98-, 135-Конвенциялари талабларининг қўлланилиши», «Корхона ташкилотларда меҳнат муносабатлари», «Қишлоқ хўжалигида ишларни ташкил этишда меҳнат муносабатлари, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар» мавзуларида маърузалар тингланди.

Семинар якунида тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

Янгиликлар оқимидан

ЖИЗЗАХ

Мамлакатимиз ҳарбий билим юртларида курсантларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

ВАТАН ХИЗМАТИГА ШАЙ

Шундай тадбир Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртида ота-оналар, кенг жамоатчилик иштирокида тантанавор руҳда кечди.

— Мен Ватанимиз осмони мусаффо бўлиши йўлида ўз куч-ғайратимни, билим ва маҳоратимни сафарбар этишга тайёрман, — дейди курсант А.Адҳамов. — Президентимга, халқимга содиқ бўлишга қасамёд қиламан.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

НАМАНГАН

Тўрақўрғон туманида интенсив боғлар яратиш ва боғдорчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР КЎПАЯДИ

Семинар қатнашчилари тумандаги «Зиёдбек-Умарбек» фермер хўжалигида бўлиб, интенсив боғ яратиш бўйича бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

— Туманда боғдорчиликни ривожлантириш ва интенсив боғларни кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тўрақўрғон тумани фермерлар кенгаши раиси Шерзодбек Пўлатов. — Бугунги кунда туманда 1 минг 400 гектар токзор, минг гектардан ортиқ боғ мавжуд. Эскирган, ҳосилдорлиги камайган боғлар ўрнида босқичма-босқич интенсив боғлар барпо этилмоқда. Жумладан, ўтган йили 28 гектар интенсив боғ яратилди.

НАВОИЙ

Навбаҳор туманида янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази иш бошлади.

ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан бунёд этилган марказда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда ансамбл ва бадиий гуруҳларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит яратилган. 150 ўринли концерт зали, рақс, тасвирий санъат, миллий фолклор тўгаракларидан таркиб топган масканнинг замонавий қиёфа касб этиши учун 100 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Натижада, қаровсиз қолган бино кўркам, замонавий маданий дам олиш масканига айланди.

Мазкур қарорда кўрсатилган йилларда Навоий вилоятида 32 маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Айни кунларда Зарафшон шаҳри ҳамда Хатирчи, Конимех, Нурота ва Қизилтепа туманларида ҳам шундай дам олиш масканларини ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

ЎзА

2014 йил — Соғлом бола йили

Пойтахтимизда «Камолот — тур» VII ёшлар веломарафонининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

«КАМОЛОТ—ТУР» ВЕЛОМАРАФОНИ

Мазкур анъанавий мусобақа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси каби қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни спортга кенг жалб қилиш ҳамда мамлакатимизда велоспортни янада оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Анъанавий «Камолот-тур» веломарафони ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Мазкур веломарафон ёшларда спортга қизиқиш ошаётганини яна бир бор намоён этди. Буни мусобақа қатнашчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Веломарафоннинг ҳудудий босқичларида ғалаба қозонган велопойгачилар пойтахтлик кўнгилли велоспортчилар билан бирга 20 километрлик масофани босиб ўтди.

Тошкентлик Гавриил Сулемин, Алексей Сраилов, Тошкент вилоятидан Темур Шукуров, қорақалпоғистонлик Илҳом Есалиев, Пана Даўлетбаев, наманганлик Шуҳрат Ҳожиев, фарғоналик Элёрбек Нишонов, жиззахлик Нодирбек Хурсанов, хоразмлик Бектемир Ражабов ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

— Велоспорт инсон саломатлиги учун фойдали спорт турларидан биридир, — дейди наманганлик Шуҳрат Ҳожиев. — Бундай мусобақалар ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этишда, спортни оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Веломарафон иштирокчилари «Энг ёш пойгачи», «Фахрий велопойгачи», «Энг маҳоратли техник велопойгачи», «Энг иродали велопойгачи», «Энг маҳоратли велопойгачи қиз» ва «Велопойгачилар оиласи» номинациялари бўйича тақдирланди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

Қайта чирой очди

Қарши шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Унинг очилишига бағишланган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли, айниқса, ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун замонавий шароит яратиш, мавжуд маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Истироҳат боғида мини стадион, фотостудия, бир нечта дўкон, кўплаб аттракционлар қурилиб, ишга туширилди.

— Мазкур дам олиш маскани замонавий қиёфа касб этганидан хурсандмиз, — дейди қаршилик Дилором Хушвақтова. — Фарзандларимиз билан бу ерга тез-тез келиб турамиз. Боғ ҳудудида амалга оширилган ишлар аҳолига қатор қулайликлар яратади, янада мазмунли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилади.

ЎзА

Пахтазордан хушхабар

ТЎРТ КУНДА БАЖАРИЛДИ!

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — дейди Пахтаобод туманидаги «Авангард» фермер хўжалиги раҳбари Абдусаид Ҳабибуллаев

Тумандаги сўзи билан иши бир учта фермер хўжалиги аъзолари тўрт иш кунида пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режани бажарди. «Авангард» фермер хўжалигида Махсумахон Мансурова бош бўлган 1-гуруҳ аъзолари 70 тонна «оқ олтин» териб топширди. Бу 18,4 гектар майдондан ҳозирданоқ 38,2 центнердан хирмон кўтарилди, демакдир. Муваффақиятга муносиб ҳисса қўшган Азизахон Мамадалиева, Ҳалимахон Сотволдиева, Раъно Раҳмонова, Маҳмуда Маманазарова, Умида Собирова сингари шижоати баланд ҳашарчилар кунига 130-150 килограммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлишмоқда.

Гуруҳ раҳбарининг айтишича, ҳар чаноқдаги пахта 5,5-6 грамм атрофида тош босяпти. Терим ўтказилган пайкаллардаги бир туп ғўзада камида 5-6 тадан бўлиқ кўсаклар очилишга шай. Иккинчи терим якунида 45 центнерлик марра эгалланади.

Ёдгорбек Ибрагимов етакчилик қилаётган «Агроном олим» фермер хўжалигининг 12,5 гектар майдонидан 38 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиниб, юқори навга топширилди. Муҳайё Ҳабибуллаева бош бўлган 3-гуруҳнинг 206 нафар аъзоси ҳар иш куни учун белгиланган 14 тонналик режани тушликдан кейин икки соат ўтар-ўтмас адо этмоқда. Биргина Баҳринисо опа Турсунова оиласи тўрт кунда салкам 2 минг килограмм пахта териб, топширди.

Фарҳоджон Отахонов раҳбарлик қилаётган «Ғуломқодир» фермер хўжалигида ҳам Саодатхон Кенжаева, Мукаррамхон Бозорова, Холисхон Эрназарова каби ўнлаб теримчиларнинг шижоати туфайли шартнома режаси уддаланди. 15,3 гектар майдондан айни кунгача 50 тоннадан зиёд сифатли ҳосил йиғиштириб олиниб, тайёрлов корхоналарига етказиб берилди.

Иш унуми ва сифатининг юқори бўлиши, албатта, яратилган шарт-шароитга боғлиқ. Дала шийпонларида тушлик учун иссиқ овқат муҳайё, маданий ҳордиқ чиқариш жойлари тўла жиҳозланган. Кўчма дўкон учун мослаштирилган «Дамас» автомашиналари ҳар куни икки бор дала айланиб, ҳашарчиларнинг зарур эҳтиёжларини қондирмоқда.

— Биз туманимиздаги Намуна, Янги турмуш, Дўстлик, Маданият, Андижон ҳамда Гулистон массивларига хизмат кўрсатяпмиз, — дейди «Маданият универсал савдо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Маҳмуджон Абдулазизов. — Кўчма дўконлардан ип ва игнадан тортиб, салқин ичимликлар, қандолат маҳсулотлари, атир-упаларгача — 70 турдаги маҳсулот жой олди. Сифатли, баҳоси арзон. Ҳар бир «Дамас»да «Буюртма дафтари» бор. Зарур маҳсулот шу куниёқ даланинг ўзига етказиб берилади.

Мамлакатимизнинг «оқ олтин» хирмонига шижоатли меҳнат, ғайрату ҳиммат билан муносиб ҳисса қўшишни дил амрига айлантирган пахтаободликларнинг саъй-ҳаракати боис шартнома режасини уддалаган хўжаликлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Нурилло НЎЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Бугунги ёшлар

Ёшлик инсон умрининг бебаҳо фасли бўлиб, бу даврда ўқиб-изланиб, мақсад сари интилган инсон, албатта, кўзлаган манзилига етади. Касбига меҳр қўйиб, унинг сир-синоатини қунт билан эгаллаган инсон борки, ҳамма жойда эъзоз ва эътибор топади.

Завод йўлланмаси билан Таиландга

ёхуд билим ва тафаккур уйғунлиги

Юртимиздаги йирик автомобил заводи «GM – Ўзбекистон»да касб сирларини эгаллаш учун барча шароит мавжуд бўлиб, илғор ёшлар ҳақида гап борганда, бу ерда Жавоҳир Азизов ва Қобилжон Юсуповни ҳурмат билан тилга олишади. Сабаби, бу икки ёш мутахассис «General Motors» компаниясининг дунёдаги автомобил заводларининг глобал ахборот тизимлари билан ўзаро алоқа ва нормал ҳолатда ишлашини таъминлашга катта ҳисса қўшаётир.

Компания бу икки ёш мутахассиснинг меҳнатини муносиб қадрлаб, халқаро тажриба алмашиш ва глобал амалиётларини ўзлаштириш учун Таиланд қироллигининг Районг шаҳрида жойлашган «GM-Таиланд» автомобил корхонасига ишга юборди.

Хорижий тилларни, хусусан, инглиз тилини пухта ўзлаштирган, тиришқоқ ва ташаббускор ёшлар айни пайтда Таиланддаги корхона офисидан туриб, бир йўла уч давлат — Индонезия, Таиланд ва Ўзбекистондаги «General Motors» компанияси тасарруфидаги автомобил заводларида ахборот тизимларининг нормал ишлашини таъминламоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» республика танловига

Ботир элнинг боласи

Бугун ўзбекнинг бўз боласи майдондан бош эгиб чиқишни ўзига ор билиб қолди. Кунда-кунора ёшларимиз эришган хушхабардан юраклар энтикади. Кечагина тойлоқлик Қодир Эрназаров Россиянинг Ульяновск шаҳрида 250 га яқин давлатдан келган ёш полвонлар орасида қанчалар маҳорат эгаси эканлигини исботлаб, ўз вазн тоифасида зафар қучганди. Орадан сал фурсат ўтмай Хитойнинг Нанкин шаҳридан мужда келди. Жаҳоннинг 170 давлатидан йиғилган 3500 нафардан зиёд ўсмир полвонлар ўртасида самарқандлик ўғлон олтин медал соҳиби бўлди. Отангга балли, онангга балли, юртингга балли!.

Оқдарёлик Илҳом Баҳромов ҳам оддий қишлоқ боласи. Тенгдошларидан фарқ қилмайди. Аммо спортга қизиқиши беқиёс. Оилада икки ўғил, бир қиз улғаяётир. Укаси Ислом ҳам акаси изидан бориб, юнон-рум курашига меҳр қўйган. Спортнинг мазкур тури бўйича ўз вазн тоифасида Осиё чемпионлигини қўлга киритган. Бир оилада икки чемпион! Касби ҳайдовчилик бўлган Исмоил ака Мустафоев ҳар қанча ғурурланса, фахрланса арзийди.

Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган II ўсмирлар Олимпиадасини дунё халқлари қаторида катта қизиқиш билан кузатиб бордик. Нигоҳимиз унда иштирок этаётган 28 нафар юртдошимизга қаратилди. Айниқса, юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар баҳси қалбларни ҳаяжонга тўлдирди. Гиламга Осиё чемпиони самарқандлик Илҳом Баҳромов чиқиб, ғалаба нақд бўлди. Юрт орини билагига жамлаган ўғлон саралаш баҳсларида жазоирлик Хусам Бунсарий, бразилиялик Калебе Феррейра Коррея, Маршал ороллари вакили Кайсер Мюллернинг курагини ерга текизди. Ҳал қилувчи баҳсда озарбойжонлик Жаббор Нажафовни мағлуб этиб, Олимпиаданинг олтин медалини қўлга киритди.

(Давоми 4-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 16-sentabr № 115 (3464)

БАНК ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

«Trastbank»нинг Фарғона вилояти филиали иш бошлади.

Йигирма йил муқаддам ташкил этилган «Trastbank» хусусий акциядорлик биржа банки ҳудудларда ўз филиалларини кенгайтириб, улар орқали мижозларга замонавий банк хизматлари тақдим этмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги шодиёналари давом этаётган шу кунларда Фарғона вилояти марказида мазкур молия муассасасининг филиали фойдаланишга топширилди.

Пудратчи ташкилот — «Олтиариқ қурилиш инвест» хусусий корхонаси томонидан замонавий меъморчилик талаблари асосида барпо этилган муассасада ходимлар ва мижозлар учун барча қулайликлар яратилган.

Суратларда: «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки Фарғона филиалида.

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар

■ Ўқув-семинар

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ташаббуси билан «Жамоатчилик назорати — хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари кафолати» мавзуида ўқув-семинар ташкил қилинди. Тадбир аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом бола йили» дастури доирасида эҳтиёжманд оилалар вакилларига электр маиший техника воситалари топширилди. Вилоят КУТБ кенгаши раиси Равшанбек Жабборов ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Лола Холмўминова барчани энг улуғ, энг азиз байрам билан қутлади.

Жамоатчилик назорати — хотин-қизлар манфаати кафолати

Семинарга вилоят халқ хўжалигининг турли тармоқларида, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда меҳнат қилаётган, шу билан бирга касаба уюшмалари ва жамоат ишларида фаол бир гуруҳ хотин-қизлар таклиф қилинди.

— Миллий қонунчилигимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари тўла акс этган. Агарда Ўзбекистон Конституциясида хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган бўлса, Оила кодексида уларнинг оилавий ҳуқуқи, Фуқаролик кодексида ҳар бир инсоннинг меросга ворислик ва бошқа ҳуқуқлари, Меҳнат кодексида эса хотин-қизлар меҳнатига оид ижтимоий имтиёзлар кафолатланган. Умуман, 100 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқи, манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган, — деди хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Муяссар Раҳимова. — Шунингдек, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида имзоланадиган келишув ва шартномаларда хотин-қизлар учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар белгилаб берилган.

Семинар жараёнида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Камолжон Бекчанов «Жамоатчилик назорати — касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришдаги аҳамияти», вилоят Адлия бошқармаси бўлими мудири Ўктам Абдуллаев «Ижтимоий шериклик ва қонунлар ижроси таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш йўллари», Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилояти ҳудудий бўлинмаси ходими Ғуломжон Сапаев «Жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги», Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Боғот туман кенгаши раиси Ширин Юсупова «Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг аҳамияти» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Мавзулар юзасидан иштирокчилар 5 та гуруҳга бўлинган ҳолда интерфаол усулда ўқув-машғулот олиб бордилар.

Тадбир якунида бир гуруҳ фаол хотин-қизлар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Семинар иштирокчилари Урганч шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, мустақиллик объектлари ва диққатга сазовор жойлар билан яқиндан танишдилар.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

К. ЎРОЗИМБЕТОВ олган сурат

■ Касаба уюшма тадбири

Мустақиллик байрамининг 23 йиллик тўйи муносабати билан «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида байрам тадбирлари давом этаётир.

ХУШКАЙФИЯТ УЛАШИБ

Қўқон шаҳридаги «Висол» тантаналар уйида «Қўқон дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти ходимлари ва эҳтиёжманд оила вакиллари учун корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ажойиб тадбир уюштирилди. Тадбирда корхонада узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлардан бир гуруҳи тантанали равишда нафақага кузатилди.

— Шундай эҳтиром учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитасидан миннатдормиз, — дейди тегирмон цехи ун қопловчиси Раҳима Султонова. — Шу корхонада 30 йилдан зиёд вақт мобайнида ишладим, кўплаб шогирдлар орттирдим. Бугун меҳнатларимиз инобатга олиниб, энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида рағбатлантирилганимиз ҳамда телевизор ва гилам билан мукофотланганимиз биз учун қўшалоқ байрам бўлди.

6 нафар нафақа ёшидаги ходимларга эҳтиром кўрсатилди.

— Корхонада 746 нафар ишчи-ходим учун етарли меҳнат ва дам олиш шароити мавжуд. Корхона ва шохобчаларда ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратилиб, байрамга пухта ҳозирлик кўрилди. Жамоа шартномаларида белгиланганидек, ходимларга маройли ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар яратилди.

— Жамоа шартномаларининг 9,3 бандига асосан нафақага кузатилаётган, корхонада узлуксиз узоқ йиллар меҳнат қилган ходимларга махсус мукофот ва қимматбаҳо совғалар бериш анъанага айланган, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Мансуржон Исмоилов. — Мақсадимиз бугун бир пиёла чой устида корхонада ишлаётган ёшларга ҳам ҳалол меҳнат эртага шундай иззат ва икром билан тақдирланишини кўрсатиб қўйишдир. Бу тадбир уларга қўшимча куч ва рағбат бахш этиши турган гап.

Тадбирда соҳирнафас хонанда Аббосхон Убайдуллаев ва «Агрономия» ҳажв гуруҳининг чиқишлари барчага хушкайфият улашди.

Ўз мухбиримиз

■ Етакчи минбари

Собитқадамлик билан

Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар юрт равнақи, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косонсой туман кенгаши ҳам ана шу йўлда собитқадамлик билан фаолият кўрсатмоқда.

Ўтказилган тадбирларда, хусусан, тармоқ тизимидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари етакчилари иштирокида ташкил этилаётган ўқув-семинарларда олдимизда турган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари иштирок этган тадбирда ҳужжатлар билан ишлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маънавий-маърифий ва спорт йўналишидаги вазифаларни бажаришда бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам берилди. Тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикаси ташкил қилиниб, жадвал асосида ўтказилиши йўлга қўйилди.

Маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий жамоалар ва ижрочилар иштирокида уюштирилган «Истиқлол ғунчалари» кўрик-танлови барчада илиқ таассурот қолдирди. Тумандаги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқитувчилари ўртасида «Йилнинг энг фаол ёш ўқитувчиси» танлови уюштирилди. Тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда «Ўз касбининг моҳир эгалари» тадбирлари ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Эътиборли томони, ярим йилликда 90 нафар касаба уюшма аъзолари саломатлигини тиклаш учун турли санаторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминландилар.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилаётган тадбирлар доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши томонидан «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида тумандаги 11-, 22-, 23-, 29-умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилинган 210 нафар ўқувчига эсдалик совғалар тантанали равишда топширилди.

Ўйлаймизки, бу кун умрбод уларнинг ёдида қолади.

Алижон СИДДИҚОВ, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косонсой тумани кенгаши раиси

Китоб туманидаги «Нурафшон» оромгоҳида Энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши таркибидаги бошланғич ташкилот раисларининг минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Тажриба алмашув

Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Ирода Ражабова ташкилий ишларни йўлга қўйиш ва бу борада бошланғичлар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда вазифалари ҳақида батафсил маълумот берди. Республика кенгаши бош юристконсулти Жанна Цой бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қонунчилиги, корхона ва ташкилотларда ундан фойдаланиш амалиёти хусусида сўз юритди. Молия ишлари бўйича бош мутахассис Гулбаҳор Абидова эса бошланғич ташкилотларда аъзолик бадалларини тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, бюджет ижроси ва янги молиявий ҳисобот тўғрисида маъруза қилди.

— Минтақавий ўқув-семинар барча учун бирдек фойдали бўлди, — деди биз билан суҳбатда «Толлимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Аширов. — Айниқса, жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши тўғрисида далолатномалар тузиш, аъзоларни ҳуқуқий ҳимоялаш, тузилаётган меҳнат шартномаларини Меҳнат кодексидан келиб чиққан ҳолда тўғри расмийлаштириш бўйича тавсиялар фаолиятимизда асқотади. Шунингдек, Бухоро ва Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ касаба уюшма қўмиталари фаолияти акс эттирилган лавҳалар асосида ўзаро тажрибалар ўртоқлашилди.

Минтақавий ўқув-семинар баҳс-мунозара ва фикр алмашув руҳида ўтди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

■ Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Гулистонда ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, адлия, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва бошқа ташкилотлар масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслари асосида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлат органлари ва ННТлар ўртасидаги ижтимоий шерикликни янада мустаҳкамлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни ошириш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда ННТларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ижтимоий шерикликнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш, ННТлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича вазифалар белгилаб олинди.

А.МУСТАФОҚУЛОВ, ЎзА мухбири

■ Бандлик дастури — амалда

Жиззах вилояти Зарбдор туманида «Хумо» хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Қурилиш кошинлари, шлакоблок, ғишт ишлаб чиқариш цехлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, шунингдек, ресторан ва ошхонадан иборат мажмуада 42 нафар ёшлар иш билан таъминланди.

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

— Мазкур мажмуа маҳалламизда жорий йилда ишга туширилган тўртинчи тадбиркорлик субъектидир, — дейди Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёдулла Шералиев. — Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг ташкил этилиши натижасида шу йилнинг ўзида 70 га яқин янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда маҳалладаги 128 тадбиркорлик субъектида 400 дан зиёд киши меҳнат қилаётир. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.

Кичик бизнес, касаначилик, оилавий ва хусусий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда. Маҳаллаларда ташкил этилган «Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик» марказлари тадбиркорлик ривожи ва эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Туманда ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида 620 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Янги иш ўринлари яратишда ёшларнинг ўзлари ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Зарбдор иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини битирган Севара Ҳасанова «Микрокредитбанк»дан 4 миллион 800 минг сўм кредит олиб тикувчилик цехи ташкил этди, тўртта тенгдошини иш билан таъминлади. 38 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси «Микрокредитбанк» ёрдамида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Бандлик дастурини амалга оширишда хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралаётгани оилаларнинг турмуш фаравонлигини ошириш, ёшларнинг мустақил ҳаёт йўлини ишончли бошлашида катта имконият яратмоқда. Бу борада нафақат Зарбдор, балки вилоятнинг бошқа туманларида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Вилоят ҳудудий бандлик дастури асосида жорий йилда 49 минг 977 янги иш ўрни очиш белгиланган бўлиб, йилнинг биринчи ярмида яратилган 23 минг 300 янги иш ўрнининг 16 минг 283 таси қишлоқ жойларига тўғри келди.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири

■ Маҳалланг — уйинг

Шеробод тумани ҳудудида фаолият олиб бораётган 9 та ҚФЙ ва 48 та МФЙ лар эгаллаб турган биноларнинг бир қисмини янгидан қуришга, айримларини капитал, баъзиларини эса жорий таъмирлашга, уларнинг ён-атрофларини ободонлаштиришга жиддий эътибор қаратиляпти. Жумладан, Шеробод сув истеъмолчилари уюшмаси ҳудудидаги «Сеплон» ҚФЙ таркибидаги «Тароқли» МФЙда авария ҳолатидаги эски иморат ўрнида янгиси қурила бошланди.

Қаторда норинг бўлса...

Бундай эзгу иш учун тадбиркорлар Жўрабой Раҳимов, Сафар Шопўлатов 4-5 миллион сўмдан, «Ёқуб Акобиров», «Ибрагим Юсупов» фермер хўжаликлари бир миллион сўмдан маблағ ажратишди. Шунингдек, Нормейли Аноров, Тўра Алимов сингари ишбилармонлар ҳам қараб туришгани йўқ.

«Ғўрин Гиламбоб» МФЙ ҳудудидаги 1400 оилада 5420 киши яшайди. Эл ўртасида обрў қозонган Мамарасул Тоғаев маҳалла оқсоқоли. Бу ердаги аҳолининг омилкорлиги тилдан-тилга кўчиб юради. Вилоятда биринчилардан бўлиб уларнинг маҳсулоти бозорларни эгаллайди. Зиёдулла Аллашев, Алламурод Қиличев, Хушбоқ Чоршанбиев каби тажрибали деҳқонлар ҳар йили 12-15 миллион сўм даромад олишади.

Маҳалла аҳли мебелсоз Қодировлар оиласини қадрлайди. Кўчар Қодиров узоқ йиллардан буён чўпкори устачилиги билан шуғулланади. Эндиликда ўғиллари Ўткир, Бахтиёр, Умид, Таваккал, Ўктам, Шерзодлар ҳам унинг изидан боришмоқда. Айни пайтда «Санабек-Асилбек мебел» хусусий корхонасига тушаётган буюртмалар жуда кўп. Яна бир ишбилармон Фазлиддин Ҳасанов эса қурилиш дўкони очиб, аҳолига қулайлик яратаётир.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди. Маҳалла оқсоқоли М. Тоғаев кўпчиликни тўплаб, эскириб кетган маҳалла йиғини биносини бузиб, қайта қуришга ҳомийлик қилишларини сўраганида барча бир овоздан рози бўлди. Айниқса, Музаффар Тўхташев бошқаларни шошириб қўйди, 31-умумтаълим мактаби ёнида ўз ҳисобидан 5 хонали, замонавий, кўркам бино қурдириб берди. Мамнуният ила таъкидлаш жоизки, қутлуғ иш давом эттирилмоқда. Айни чоғда «Чуйинчи», «Сеплон», «Чинобод», «Қуллукшо», «Пахтаобод», «Оққўрғон» МФЙлари бинолари ҳам бузилиб, янгилари барпо этилмоқда. «Галагузар», «Балхигузар», «Шеробод», «Хўжакия-1», «Пошхўрт», «Бойбулоқ» каби 10 та маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари таъмирланаяпти. «Ёшлик», «Ғалаба» МФЙ лари аҳолига қулай жойларда жойлашган иморатларга жойлаштирилиб, таъмир ишлари олиб борилди.

— ҚФЙ бинолари сифатли таъмирланди, компютер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди, — дейди «Маҳалла» жамоат фонди Шеробод туман бўлинмаси раиси Абдураим Муҳаммадиев. — Яна 8 та маҳалла фуқаролар йиғини биноси учун тадбиркор Қувондиқ Тошпўлатовнинг «Маржон мебел Файз» корхонасига буюртма берилди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Адҳамжоннинг ёшлиги Тошкентдан 160 чақирим узоқда жойлашган Пском қишлоғида кечди. Овчиларнинг энг моҳири бўлган бобоси Туроббой акага қўшилиб кийик овлаш ҳадисини ўшанда олган. Овдан ташқари, улоқ миниш, асалари парваришлаш, боғдорчилик ва чорвачилик сир-асрорини ҳам ўрганди.

Темирйўлчилар хизматида

Мактабда ўқиб юрганда у гоҳ муҳандис, гоҳ учувчи бўлишни орзу қиларди. Болалик орзулари аста-секин тиниқлашди. 1986 йили мактабни тугатиб, Тошкент Давлат политехника институтининг (ҳозирги Техника университети) геологик-қидирув факултетига ҳужжат топширди ва омади кулиб талабалик бахтига эришди. Биринчи курсни битиргач, ҳарбий хизматга чақирилди.

ЎҚИШДАН ИШГА

Келгусида қандай касбни эгаллаш ҳақида, ниҳоят, бир тўхтамга келди. Ўқишини ҳарбий хизматда юрганида ўзи қизиқиб қолган соҳа — Автомобил йўллари институтига ўтказди. 1993 йили институтни муваффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон темир йўлларига қарашли «Йўл қурилиш трести»нинг 351-йўл-қурилиш-монтаж поездига оддий уста бўлиб ишга кирди. Бу ерда қурувчилик ва муҳандислик соҳасида ўқув даргоҳида олган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаб борди ва ўз соҳасининг етук мутахассисига айланди.

КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгашига қарашли дам олиш маскани қуриб битказилиб, эндигина фаолиятини бошлаган пайтлар. Ўзбекистон темир йўлларининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Қўчқор Камолов Адҳамжон Туроббоевни ҳузурига чақирди.

— Хабаринг бор, яқинда Хўжакентда темирйўлчиларнинг дам олиш маскани ишга туширилди. Қурилишда ишлаб анча кўзинг пишиб қолган. Дам олиш масканини тузатишга, битмаган ишларни ниҳоясига етказишга ёрдам берсанг дегандим.

Адҳамжон ўйлаб кўриб, таклифга рози бўлди. Дам олиш маскани директорига ўринбосар этиб тайинланди. Аҳволни обдон ўрганиб, соҳа меҳнаткашлари мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шароитларни яратиш, битмай қолган қурилишларни тугатиш, оромгоҳ йўлларини созлаш ҳамда ҳудудини боғ-роғга айлантиришга киришди.

Тез орада у меҳнаткашлиги ва ташкилотчилиги туфайли темир йўл тизими раҳбарлари эътиборига тушди. 2005 йили дам олиш масканига директор этиб тайинланди.

Бу йиллар орасида очиқ чўмилиш ҳавзаси, болалар учун иккита қўшимча чўмилиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Унинг ёнида барпо этилган ёпиқ спорт мажмуаси эса турли мусобақалар ўтказишга мўлжалланган. Дам олиш масканига ўз жамоаси билан келган темирйўлчилар мини футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалашишади.

Шунингдек, бу масканда республикамиз ҳудудидаги манзарали ва мевали дарахтларнинг барчаси борлиги ҳам унинг довруғига довруғ қўшгани ҳам бор гап.

2004-2007 йиллар давомида оромгоҳ қайтадан тўлиқ таъмирланди. Замон талаблари асосида бир ҳамда икки кишилик хоналар ташкил этилиб, кондиционер, мебеллар, санитария узеллари билан таъминланди, иссиқ сув ва совуқ сув тармоқларига уланди. Кўмир ёқиладиган қозонхоналар электр токи билан иситиладиган замонавий ускуналарга алмаштирилди. 280 ўринли ошхона ҳамиша дам олувчилар хизматида.

Албатта, бундай бунёдкорлик ишларининг амалга оширилишида темир йўллар тизими мутасаддилари, шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раҳбарларининг мадади катта бўлди.

— Масканимизда дам олувчилар учун барча шароит яратилган. Мисол учун, билярдхона, стол тенниси майдончаси, кутубхона, тренажер зали, компютер ўйинлари хонаси, кино зали, дискотека майдончаси, чойхона шулар жумласидан. Биргина 2013 йили кутубхонамиз учун 1,5 миллион сўмлик янги бадиий китоблар харид қилдик, — дейди Адҳамжон. — Пансионат ёзги мавсумда тўлиқ ишлайди. Бу ерга республикамиз ҳудудидаги барча темир йўл ташкилотларидан ишчи-хизматчилар дам олишга келади. Улар ўзлари ишлаётган ташкилот ёки корхона касаба уюшмасидан 5, 7 ва 10 кунлик имтиёзли йўлланмалар олишади. Бундан ташқари, юртимизнинг барча шаҳар ҳамда қишлоқларидан дам олишга келадиганлар ёки бирор ишхоналардан гуруҳ бўлиб ташриф буюрувчилар учун ҳам пансионатимиз эшиги ҳамиша очиқ. Йилнинг қолган фаслларида темирйўлчилар асосан шанба-якшанба кунларида дам олишга келишади. Улар бу ерда ҳордиқ чиқариш билан бирга турли спорт мусобақалари ўтказишади. Чимён арқон йўли, «Чорвоқ сув омбори» оромгоҳи, «Оқтош», «Хумсон» санаторийлари, ён-атрофдаги тилга тушган азиз жойлар, тоғ бағридаги сўлим масканларга саёҳатга олиб борилади.

Бу ерда иш хўжалик ҳисоби бўйича юритилади. Оромгоҳга келувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2013 йилда 4700 киши икки кунлик, 1116 киши беш кунлик муддатга келиб ҳордиқ чиқариб қайтди.

Адҳамжон Туроббоевнинг фарзандлари ҳам ота изидан бормоқда. Тўнғич фарзанди Шоҳруҳ темир йўл соҳасига ихтисослашган Москва пўлат ва пўлат эритмалари институтининг биринчи курсини битирди, кейинги ўғли Шаҳзод эса Тошкент темир йўл муҳандислари институти ҳудудидаги Миробод академик лицейида ўқимоқда.

Адҳам ДАМИНОВ

Савол: Ходимларнинг тарихий шаҳарларга саёҳатини уюштириш учун аъзолар ҳисобидан пул йиғиш мумкинми?

У.СОАТОВ,
Миробод тумани

Жавоб: Касаба уюшма ташкилотлари томонидан, яъни уларнинг маблағлари ҳисобидан касаба уюшма аъзолари учун республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этиш асосан бепул тарзда амалга оширилади.

Ўз навбатида, ушбу харажатларни амалга оширишда касаба уюшма ташкилотининг даромадлар ва харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар миқдорига эътибор қаратиш лозим.

Шунингдек, касаба уюшма ташкилотининг даромадларини кўпайтириш мақсадида, касаба уюшма ташкилоти умумий йиғилишининг қарорига кўра, аъзоларнинг розилигини олган ҳолда республикамизнинг тарихий шаҳарларига уюштириладиган саёҳатлар учун кетадиган сарф-харажатларнинг маълум бир қисмини касаба уюшма аъзоларининг шахсий маблағлари ҳисобидан қоплаш мумкин.

Савол: «Соғлом бола йили» Давлат дастурига асосан касаба уюшмалари ёш оилаларга ссудалар ажратилишида амалий ёрдам кўрсатаётган экан. Шу ҳақда тушунтириш берсангиз?

З.САМАДОВ,
Олтиариқ тумани

Жавоб: «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг 2-бўлим 38-бандида келтирилган 2 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун фоизсиз ссудалар ажратиш устидан касаба уюшмалари жамоатчилик назоратини олиб бориши белгиланган.

Жумладан, жорий йилнинг 5 ойида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 1131 нафар оила қурган ёшларга 229 та корхонада 25 млрд. 361 млн. 725 минг сўмлик фоизсиз ссудалар берилган. Шундан сарфланган маблағнинг 25 млрд. 325 млн. 865 минг сўми иш берувчилар, 35 млн. 860 минг сўми ташкилотлардаги бошланғич касаба уюшмалари ҳисобидан ажратилган.

Ушбу бандда келтирилган тадбир жамоа шартномалари орқали амалга оширилишини инобатга олиб, шуни маълум қиламизки, Сиз фаолият кўрсатаётган ташкилотнинг жамоа шартномасига ушбу мазмундаги банд киритилган ҳамда ташкилотингизнинг молиявий аҳволи етарли бўлса, бошланғич касаба уюшма кўмитасига мурожаат қилиб, иш берувчи билан келишган ҳолда фоизсиз ссуда олиш ҳуқуқига эгасиз.

Савол: Иш фаолиятим давомида касаба уюшмалари ҳисобидан сиҳатгоҳга даволанишга бормаганман. Яқинда пенсияга чиқдим, шу муносабат билан республикамиздаги санаторийлардан бирига 100% имтиёзли, яъни бепул йўлланма берилиши мумкинми?

Г.БОБОЕВА,
Хоразм вилояти

Жавоб: Санаторийларда даволаниш учун бепул йўлланмалар корхона, ташкилот ва муассасаларнинг касаба уюшма қўмиталари томонидан биринчи навбатда ишловчи:

байналмилалчи жангчиларга, ядро полигонларида ва ядро радиацияси мавжуд объектларда ҳарбий хизматини ўтаган шахсларга, ўз ҳарбий бурчини бажариш пайтида соғлиғига шикаст етганларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганларга, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган деган унвонга сазовор бўлганларга, меҳнат фахрийлари ва ногиронларга, кўп болали (тўрт ва ундан ортиқ), кам таъминланган оилаларнинг ишловчи аъзоларига берилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тоифадаги ходимлардан талабномалар бўлмаган ҳолларда, бепул йўлланмалар бошқа ходимларга берилади.

Сиз пенсияга чиққанлигингиз муносабати билан бепул йўлланма олиш учун ўзингиз яшаб турган жойдаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Саволларга ЎзКУФК мутахассислари жавоб берди.

Касбим — фахрим

Бутун ер юзида электр энергиясига бўлган талаб сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ушбу эҳтиёжни тўла қондириш учун юртимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир. Айниқса, муқобил энергия манбалари ишлаб чиқариш диққат марказида бўлиб, Самарқанддаги катта ҳажмли майдонга қурилаётган қуёш батареялари хорижлик мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, иқтидорли ёш мутахассислар электр энергиясини тежаш усулларини ишлаб чиқиш устида бир қатор изланишлар олиб боряпти.

Светодиодли таблолар

Тенгқурларимдан ортда қолмаслик учун мен ҳам корхонамиз иқтисодига ўзимнинг ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим. Бунда биринчи қадам бўлиб технологик ҳимояда қўлланадиган ТСС-66М маркали таблоларда ишлатиладиган ёруғлик лампалари чўғланувчи лампа бўлганлиги учун, ушбу лампаларни тежамкор светодиодларга алмаштириш фикри туғилди. ТСС-66М маркали таблоларни реконструкция қилиш, яъни, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган чўғланма лампаларни замонавий энергия тежовчи светодиодларга алмаштириш натижаси қуйидаги афзалликларга олиб келишини ҳисоблаб чиқдим:

- электр энергиясининг сезиларли даражада тежалиши;
- светодиодларнинг чўғланма лампаларга нисбатан хизмат муддати юқорилиги 10000 соатдан кўп;
- светодиодларни танлаш кенглиги (ранги, ёруғлик даражаси, шакли);
- нархи арзонлиги.

Таблоларга ҳар бири 8 Вт қувватга эга бўлган 2тадан чўғланма лампа ўрнига ҳозирги замон талабига мос ҳар бири 1,1кВт қувватли светодиод ўрнатилди. Таблодаги 2 та чўғланма лампа 16 Вт истеъмол қиладиган бўлса, реконструкциядан сўнг ўрнатилган 2 та сетодиод эса 2,2кВт кўрсатикичига келди.

Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисод қилинадиган электр энергияси 1 та табло учун 16 Вт-2,2Вт=13,8Вт/соат бўлади. Таблолар сони бўйича ҳисоблайдиган бўлсак, корхонада 800 дона табло мавжуд бўлиб, жами 13,8*800=11,04КВт/соатни ташкил этди.

Хуллас, иқтисод қилинган бир йиллик электр энергия 11,04*8760 соат=96710,4кВт/соатни ташкил этади.

2014 йил 1 апрел ҳолати тарифи бўйича 1 кВт электр энергия нархи 131 сўм 40 тийиндан ҳисобланганда қуйидаги натижага эришамиз: 96710,4*131,40=12 707 747 сўм.

Келгусида бу билан тўхтаб қолмасдан янгидан-янги технологияларни ўрганиб, татбиқ этиш, корхонамиз ва юртимиз иқтисодиётига ўз ҳиссамни қўшиш ҳаракатидаман.

Шамсиддин АЛИЕВ,
«Янги Ангрен ИЭС» ОАЖ иссиқлик автоматикаси ва ўлчов цехи устаси

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Бухоро вилояти Олот тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси 175 қатновга мўлжалланган.

Поликлиника «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида рақамли рентген, «Доплер» ултратовуш текшируви аппарати каби энг илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда саксонга яқин олий тоифали шифокор ва юздан зиёд ҳамшира аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Суратда: Кўп тармоқли марказий поликлиникада.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

«БЎСТОН»ДА ЯНГИ МАКТАБ

Қўштепа туманининг «Бўстон» қишлоғи аҳли қурувчилардан ажойиб совға олди. «Деҳқонобод» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари 42-умумтаълим мактабининг янги биносини қисқа муддатда қуриб битказиб, 163 нафар ўқувчининг кўнглини шод этишди.

— Жамоа аъзолари янги ўқув йили учун зарур бўлган синф хоналарини жиҳозлаш, безаш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш, физика-кимё лабораториясини керакли анжомлар билан таъминлаш сингари тадбирларни ўз муддатида уддалашди, — дейди мактаб директори Йўлдошали Саримсоқов.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Реклама ва эълонлар

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ танлов савдосига Тошкент вилояти божхона бошқармасининг 2014 йил 11 сентябрдаги 05-3/10-2191-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани, Дархонтепа кўчаси, 7-А-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «УАЗ-3303» русумли давлат рақами 01-893YAA бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 552 000 сўм.
2. «Дэу Дамас» русумли давлат рақами 01-259ABA бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 249 000 сўм.
3. «Дэу Дамас» русумли давлат рақами 01-733MAA бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 258 000 сўм.
4. «Дэу Дамас» русумли давлат рақами 01-981YAA бўлган 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 262 000 сўм.

Танлов савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманоларни «Respublika mulk markazi» ЁАЖга тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан 20 фоиз миқдордаги закалат пулни савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шаклини ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Respublika mulk markazi» ЁАЖга белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Танлов ҳужжатларининг нархи савдо ташкилотчиси томонидан белгиланади.

Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2014 йил 16 октябр Тошкент вақти билан соат 18:00да тўхтатилади (таклифлар тушмаган тақдирда танлов савдолари 2014 йилнинг 28 октябр ва 5 ноябр кунлари соат 15:00да такроран ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш 3 (уч) кун олдин соат 18:00да тўхтатилади).

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ва танлов савдосини ўтказиш 2014 йил 20 октябр Тошкент вақти билан соат 15:00да «Respublika mulk markazi» ЁАЖ мажлислар зали (4-қават)да амалга оширилади. Таклифларни очиш вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдода энг мақбул таклиф киритган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Очиқ танлов шартлари:

1. Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
2. Сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш;
3. Автотранспорт воситасини тиклаш учун энг кўп маблағ сарфлаш мажбуриятини олиш.

Танлов савдолари ўтказилиши ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: 100175, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52, www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

1. Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, «Гулистон» МФЙда жойлашган, «Собиқ клуб биноси».

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони — 393,60 кв.м., бино ва иншоот эгаллаган ер майдони — 393,60 кв.м.

Бошланғич нархи — 161 616 000 сўм;

Балансда сақловчи: Пайариқ тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжа Исмоил қишлоғида жойлашган, Собиқ 81-сон мактаб бино ва иншоотлари.

Бошланғич нархи — 375 082 293 сўм;

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони — 7 782,78, бино ва иншоот эгаллаган ер майдони — 1 114,11 кв.м.

Балансда сақловчи: Пайариқ тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

3. Самарқанд вилояти, Қўшробот тумани, Пичот ҚФЙ, Мустақиллик маҳалласида жойлашган, 82-сон мактаб спорт зали биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий ер майдони — 385,80 кв.м, бино ва иншоот эгаллаган ер майдони — 385,80 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 101 237 700 сўм.

Балансда сақловчи: Қўшробот тумани ҳокимлиги.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали, Самарқанд вилоят Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси 58-уй 2-қават, 205-хона. Тел: (8366) 233-80-56. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта манзили: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 октябр куни соат 15:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 21 ноябр, 22 декабр ҳамда 2015 йил 23 январ, 24 феврал ва 27 март кунлари, соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Самарқанд вилоят филиали)нинг АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой филиалининг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: х/р: 20208000604920609025, МФО:00262, СТИР:207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисида эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд вилоят, Самарқанд шаҳар, М.Қошғарий кўчаси 58-уй 2-қават, 205-хона.

Маълумотлар учун телефонлар: (8366) 233-80-56. Факс: (8366) 233-80-56.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат Рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 16-sentabr № 115 (3464)

Ботир элнинг боласи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Илҳомнинг ғалабаси осмондан тушгани йўқ. Бу юртимизда фарзандларимиз камолоти, уларнинг соғлом ва дуркун бўлиб ўсаётгани, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод тарбияси йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижасидир. Бугун қишлоқларда ҳам ёшлар иқтидорини намоён этиши учун барча шароит ва тўла имкон бор. Илҳом Баҳромов Оқдарё туманидаги 43-, 20-умумтаълим мактабларида мазкур спорт тури билан шуғулланиб, маҳоратини 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида оширди. Кураш сирларини таниқли мураббий, иккинчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Ўрол Зиёевдан ўрганди. Энг муҳими, оилада ота-оналари доимо қўллаб-қувватлаб туришди.

Асли касби ҳамшира бўлган Мунира опа саломатлик учун спортнинг қай даражада аҳамият касб этишини яхши билади.

— Фарзандларим атак-чечак бўлганлариданоқ жисмонан чиниқтиришга интилганмиз, — дейди Мунира опа. — Уларнинг фойдали юмуш билан шуғулланишларига эътибор қаратганмиз. Ҳар учала фарзандимиз ҳам спортга меҳр қўйишди. Икки ўғлим спортнинг юнон-рум кураши турини танлади. Уларга уйда ҳам шароит яратиб беришга ҳаракат қилдик. Машғулотларни қолдирмасдан, спорт сирларини қунт билан ўрганишга рағбатлантирдик. Ҳали ёш бўлса-да, бу борада анчагина ютуқларга эришди. Улар учун ҳали катта ҳаёт олдинда. Турмуш ўртоғим билан фарзандларимизнинг эл-юрт учун керакли одамлар бўлиб етишишларини истаймиз. Ҳар тонг дастурхон бошида панд-насиҳатларимизнинг асосини ана шу ўгитлар ташкил этади.

Истиқлол байрами шукуҳи кезиб юрган қувончли лаҳзаларда Самарқанд темир йўл вокзали шаҳар аҳли ва оқдарёликлар билан тўлиб тошди. Чин-мочинда юртимиз байроғини баланд кўтарган полвон ўғлини халқ тантанавор кутиб олди. Одатимиз шунақа. Дийдорлашув, ҳаяжонли учрашувдан қалблар ларзага келди. Тамойилга кўра, фараҳли лаҳзаларда буюк аждодларимиз ёдга олинади. Бу улар жасорати қалбларда мангу сақланаётганига ишора. Олимпиада чемпионини кутиб олувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари чемпион иштирокида соҳибқирон Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Шунингдек, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, авлиё Дониёр мажмуаларини зиёрат қилишди. Барча ёш полвонни самимий қутлади.

— Ёшлар Олимпиадасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш масъулияти билагимга куч қўшди, — дейди Илҳом Баҳромов. — Ахир юрт номидан гиламга чиқиб, бош эгиб қайтишни сира ҳазм қилолмасдим. Маҳоратимнинг бу даражага етишида устозларимнинг қанча меҳнати сингмади дейсиз. Улар олдига ёруғ юз билан қайтдим. Ўзимга бўлган ишончим янада ортди. Насиб бўлса, машғулотларда чиниқиб, маҳоратимни оширишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Халқимизда «Эл юкини эр йигит кўтаради», деган нақл бор. Юртимиз довруғини дунёга ёяётган Илҳомжондай ўғлонларимиз юртимизнинг фахри, ғуруридир.

Дилрабо АЛИМОВА,
Самарқанд вилоят ахборот-ресурс маркази ходими

Саломатлик сабоқлари

ХОТИРА МАШҚИ

Бунинг учун қуйидаги синалган бир неча машқларни сизга тавсия қиламиз.

Уйқудан уйғонганингиздан 5-10 дақиқа ўтгач, 100 дан 1 гача бўлган сонларни иложи борича тезроқ сананг.

***

Хаёлингизга келган сўзларни алфавит тартибида қайтаринг, яъни Азим, Бодом, Ветнам, Грузия, Дунё... ва ҳоказо.

***

Йигирмата ўғил болалар ва шунча қиз болалар исмини айтинг.

***

Алфавитдан хоҳлаган ҳарфингизни танлаб, у билан бошланувчи 20 та сўзни айтинг.

***

Кўзингизни юмиб, 20 гача сананг.

***

Овоз чиқариб шеър ўқинг. Муҳими, уларни доимо ва бир тартибда ўқинг. Кейинги сафар ўқиётган шеърларингиз сонини ошириб боринг.

***

Энг муҳими, бу машқларни мажбурият деб эмас, балки оддий бир ўйин деб билинг ва машқлар сизга хурсандчилик олиб келсин.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 10-умумтаълим мактабининг 1-синфига жорий йилда 217 нафар ўғил-қиз қабул қилинди.

ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ

Янги ўқув йили олдидан мукаммал реконструкция ва таъмирлаш ишлари олиб борилган мактаб буткул замонавий қиёфа касб этди. Кенг ва ёруғ фан кабинетлари, компютер хонаси, ахборот-ресурс маркази, Маънавият ва маърифат хонаси ҳамда спорт зали янги жиҳозлар билан таъминланди.

Инглиз ва немис тиллари чуқур ўқитиладиган мазкур мактабда айни пайтда 2 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

Суратда: 10-умумтаълим мактабда машғулот пайти.

ЎзА фотомухбири Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ...

Жалолиддин Румийдан бир ҳовуч гавҳар

Шуни билингки, инсонларнинг энг хайрлиси инсон ва инсониятга нафи теккан кимсалардир.

***

Кўнгил бирлиги тил бирлигидан устундир.

***

Сен ҳар бир инсоннинг хайрли ва яхшилигини сўйла, кўрасанким ул душман сенинг энг яхши дўстинггга айлангай. Чунки кўнгилдан тилга, тилдан эса кўнгилга йўл бордир.

***

Дўстлик пул ёки молдунёга эмас, руҳга, туйғуга асосланмоғи лозим.

***

Ёмонликлар ўзгармас сифат эмас, балки маънавий бузилганликдир.

***

Ишқни ишқ билан тушунмоқ лозим. Ақл ишқ шарҳидан ожиздир.

***

Ишқсиз бўлмаким, ўлик бўлмагайсан. Ишқда ўлким, тирик бўлгайсан.

***

Асл мақсад севмоқдир. Инсоннинг жавҳаридаги бу туйғуни юксалтириш лозим. Танимиз бир хум кабидир. Бу хумнинг боли ва муми ҳам илоҳий ишқдир.

***

Сизга узатилган ҳамма қўлни тутаверманг. Чунки инсон ниқобидаги неча шайтонлар бордир.

Қундуз СУЛТОНОВА тайёрлади.

Пири бадавлатларимиз

Урганч шаҳридаги 18-«Жамбул» маҳалласида яшовчи 90 ёшли Тожибой ота Янгибоев ҳар байрамда эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларга беминнат ёрдам беришни одатга айлантирган. Одамлар у кишини зиёрат қилишга, пурмаъно суҳбатидан баҳраманд бўлишга, дуосини олишга интилишади. Отахоннинг теран, содда ва самимий гапларини тинглар экансиз, ҳаётнинг оддий ҳақиқати — ҳалол меҳнат, бағрикенглик инсонни муродга, эъзозу эҳтиромга етказишига яна бир бор амин бўласиз.

Эъзозу эҳтиромга муносиб

— Умрим меҳнатда ўтди, — дейди Тожибой ота. — Ҳаёт ҳаракатда, болам. Узоқ умр, аввало, Яратганнинг марҳамати. Меҳнатсеварлик, тўғрилик, одамларга яхшилик қилиш инсон умрини узун ва зийнатли қилади. Ўтаётган ҳар бир кунимга шукур қиламан.

Ҳа, шукроналик отахоннинг тилидан тушмайди. Ҳаёти давомида бошидан ўтказган қийинчиликлар, уруш йилларининг машаққатларини ёддан чиқармайди.

Тожибой ота узоқ йиллар Хоразм ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотида ишлади. Турмуш ўртоғи Туймажон она билан 6 фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Аёлининг вафотидан сўнг болаларига ҳам оталик, ҳам оналик қилди. Бугун 25 нафар невара, 27 нафар чеваранинг даврасида.

Бир неча йил олдин қизи Маликани совуқ туп-роққа қўйган отахон учун ҳаёт тўхтагандек бўлди гўё. Ўлган билан ўлиб бўлмас экан, дея у ўзига далда берди. Кенжа ўғли Бахтиёрга: «Опанг хотирасини абадийлаштириб, қишлоқда тўйхона қурдирсак», деди. Ширинқўғирот қишлоғида 600 ўринга мўлжалланган «Маликам» тўйхонаси иш бошлади. Ўнлаб ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди. Отахоннинг бу каби хайрли ишлари анчагина.

Байрамларда фарзандлари, невара-ю чеваралари жам бўлса, ҳовлиси гўё тўйхонага айланиб кетади. Уларга доимо: «Мустақилликнинг, тинчликнинг қадрига етинглар, яхши ўқиб, юртимизга содиқ фарзандлар бўлинглар», дея уқтиради.

Ўғилжон РАҲИМОВА, журналист

Спорт оламида

БОКС

Якутск (Россия) шаҳрида ниҳоясига етган талабалар ўртасида VI Жаҳон чемпионатида Шаҳрам Ғиёсов (-64 кг.) ўзини кўрсатди.

ШАҲРАМ — ЖАҲОНДА ТЕНГСИЗ!

Финал беллашувида ёш боксчимиз Қозоғистон вакили Маулан Оксенбекни 3:0 ҳисобида енгиб, шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди.

Яна бир ёш истеъдодли ҳамюртимиз Мирзобек Ҳасанов (-91 кг.) финалгача бўлган йўлни мағлубиятсиз босиб ўтиб, кумуш медал билан тақдирланди. Улуғбек Ҳақбердиев (-75 кг.) эса бу гал учинчи бўлди.

Омск (Россия) шаҳрида якунига етган халқаро хотира турнирида икки вакилимиз чемпионликни қўлга киритди.

ҲАР ИККИ УЛУҒБЕКДА ОЛТИН МЕДАЛ

-60 кг. вазн тоифасида рингга кўтарилган Улуғбек Дўстмуродов олтин медал учун кечган беллашувда мезбонлар вакили Дмитрий Юктешев устидан зафар қучди.

Улуғбек Мўминов эса -91 кг. вазн тоифасида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. У финалда яна бир россиялик боксчи Андрей Ботировни мағлубиятга учратди.

XVII ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинларининг футбол мусобақалари бошланди. Эркаклар терма жамоалари ўртасида ўтказиладиган саралаш босқичида жами 29 терма жамоа, саккиз гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун баҳсга киришди.

БОЙ БЕРИЛГАН ҒАЛАБА

XII ёзги Осиё ўйинлари ғолиби Миржалол Қосимов бошчилигидаги терма жамоамиз «В» гуруҳидан ўрин олган бўлиб, футболчиларимиз дастлабки учрашувни «Munhak Stadium»да Гонконг термасига қарши ўтказди. Учрашув қизғин курашларга бой тарзда кечди. Якунда эса вакилларимиз 1:1 ҳисобида дурангга имзо чекишди. Голларга Игор Сергеев (75-дақиқа) ва Чан Сиу Кван Филип (80-дақиқа) муаллифлик қилди.

Терма жамоамиз гуруҳдаги иккинчи учрашувни 18 сентябр куни Бангладеш термасига қарши ўтказади. Мазкур учрашув «Ansan Wa» стадионида ўтказилади.

22 сентябр кунига белгиланган гуруҳдаги сўнгги учрашувда Миржалол Қосимов шогирдлари Афғонистон терма жамоаси билан куч синашади.

Ўз гуруҳида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган терма жамоалар 25 сентябрдан бошланадиган плей-офф босқичида ғолиблик учун курашни давом эттирадилар. Нимчорак финал учрашувлари 28 сентябр куни, ярим финал баҳслари эса 30 сентябрда ўтказилади. Осиё ўйинлари ғолиблиги ҳамда бронза медаллар учун учрашувлар 2 октябр кунига белгиланган.

ШАХМАТ

Эроннинг Теҳрон шаҳрида бўлиб ўтган «Eco cup — 2014» турнирида гроссмейстеримиз Марат Жумаев кумуш медал билан тақдирланди.

СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Айланма тартибда ўтказилган мусобақада шахматчимиз 9 турда 6,5 очко тўплади. Голибликни қўлга киритган мезбонлар вакили Ғҳаём Магҳами Эсон ҳисобида эса 7 очко бор. Учинчи бўлиш озарбайжонлик Азар Мирзоевга насиб этди.

ТЕННИС

Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида поёнига етган «Tashkent open — 2014» халқаро турнирининг яккалик баҳсларида италиялик Карин Кнапп зафар қучди.

«TASHKENT OPEN» ЯКУНЛАНДИ

Ҳал қилувчи беллашувда кортга тушган ўтган йилги чемпион Бояна Йовановски (Сербия) тажрибали рақибига айтарли қаршилик кўрсата олмади. Икки сет якунига кўра учрашув 6:2, 7:6 ҳисобида Кнапп фойдасига ҳал бўлди. У, шунингдек, 43 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот ва 280 рейтинг очкосини қўлга киритди.

— Бугунги ғалабамнинг қадри ўзгача. Бу сўнгги олти йилда қўлга киритган биринчи мукофотим. Кўплаб жароҳатлардан сўнг кортга яна қайта олганимдан қувонаяпман. Тошкентдаги ғалабам ўзимга бўлган ишончни қайтариб берди. Ўзбекистон эса жудаям чиройли, эртакнамо мамлакат сифатида умрбод ёдимда қолади. Келгуси йилда пойтахтингизга яна келишни режалаштираяпман, — деди турнир ғолибаси биз билан суҳбатда.

Турнирнинг жуфтлик беллашувларида Александра Крунич (Сербия) ва Катерина Синиакова (Чехия) жуфтлиги Маргарита Гаспарян ҳамда Александра Панова (Россия)ни осонлик билан мағлубиятга учратди — 6:2, 6:1.

— Биринчи марта ҳамкорликда ўйнашимиз. Лекин ўйинимиз шунчалик қовушиб кетдики, ўзимиз ҳам ҳайрон қолдик. Дастлабки учрашувлар уч сет давом этган бўлса, кейингиларида икки сет бизга етарли бўлди. Имкониятдан фойдаланиб, турнир ташкилотчилари ва биз учун шарт-шароит яратиб берган барчага миннатдорчилик билдирамиз. Тошкентни ҳали анчагача соғинч билан эслаймиз, — деди Александра Крунич ўйиндан кейинги матбуот анжуманида.

ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Пойтахтимиздаги бадиий гимнастика бўйича болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган Республика олимпия захиралари спорт мактабида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасида Жаҳон чемпионати баҳслари якунига етди. Юқори даражада ташкил этилган йирик мусобақада 90 дан зиёд давлатдан мингдан зиёд спортчи жами 24 та вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб борди.

ИККИ БРОНЗА

Қизиғи, полвонларимиз мусобақанинг дастлабки ва сўнгги кунида совриндорлар сафидан жой олишди.

Эркин кураш бўйича вазни 70 кг.гача бўлган полвонлар беллашувида Бекзод Абдураҳмонов саралаш босқичида дастлаб венгриялик, чорак финал босқичида эса эронлик полвонни мағлуб этиб, ярим финалда туркиялик спортчига имкониятни бой берди.

Шундан сўнг бронза медали учун ўтиш мусобақасида баҳсларни давом эттирган Бекзод Абдураҳмонов биринчи беллашувда мисрлик Ҳалил Иброҳимни, бронза медали учун кечган баҳсда эса тожикистонлик Залимхан Юсуповни мағлуб этиб, Тошкент гиламларида ўтказилган Жаҳон чемпионатида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални келтирди.

Юнон-рум курашида гиламга чиққан яна бир вакилимиз, кўплаб халқаро турнирлар ғолиби, икки карра Осиё чемпиони Элмурод Тасмуродов (-59 кг.) дастлабки беллашувларда Эдвард Берсегиан (Полша), Тонимир Сокол (Хорватия), Лю Мин Ванг (Хитой)ни мағлубиятга учратди. Ярим финалда полвонимизга Лондон Олимпиадаси чемпиони Ҳамид Сориан (Эрон) рўбарў келди. Мазкур беллашувда номдор ва тажрибали рақиб устунликка эришди.

Элмурод Тасмуродов бронза медал учун кечган баҳсда кубалик рақиби Исмаэл Бореррога ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -20.50
Topshirildi -21.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 915 | 13972 nusxada bosildi | 1 2 3 4